Тадқиқот давомида кўмакчи феълли бирикмалар таркибига равишларни қўшиб бўлмаслиги, кўмакчи феълларнинг аспект маъноси маълум ҳаракат ва ҳодиса рўй бераётган муҳитда сўзловчининг мазкур ҳодиса ва вазиятга нисбатан нуқтаи назаридан иборат бўлиши, тугалланганлик аспекти вазиятни умумий тарзда кўришни, тугалланмаганлик аспекти эса ҳодисанинг бир қисмини кўриш ҳамда натижа аспекти ҳодиса тугаллангандан кейин унинг натижасини кўришни билдириши кузатилди. Шунингдек, кўмакчи феъллардаги модаллик маъносига сўзловчининг модаллиги ва эганинг модаллиги киритилиши кузатилди.

## ҚЎЛ (EL) КОМПОНЕНТЛИ ИБОРАЛАРНИНГ ТАСНИФИ ВА УЛАРНИНГ МАЪНО ХУСУСИЯТЛАРИ

***ШАБАНОВА САДАФ***
*ўқитувчи, ТДШУ*

***Аннотация.*** *Иборалар ҳар бир тилнинг энг муҳим ва ноёб бирликлари бўлиб, дунё маданияти ва инсон хусусиятларини билиш учун ишлатиладиган ифодали воситалардир. Ушбу тадқиқотнинг мақсади el (қўл) компонентли ибораларнинг таснифи ва уларнинг маъно хусусиятларини очиб беришдан иборатдир.*

***Таянч сўз ва иборалар:*** *el (қўл) компоненти , компонент, ибора, ибораларнинг таснифи.*

***Аннотация.*** *Фразы являются наиболее важными и уникальными единицами любого языка и являются выразительными средствами, используемыми для понимания мировой культуры и человеческих характеристик. Цель данного исследования - классифицировать словосочетания с el (рука) компонентом и выявить их смысловые особенности.*

***Опорные слова и выражения:*** *компонент руки, компонент, фраза, классификация фраз.*

***Abstract.*** *Phrases are the most important and unique units of any language and are expressive means used to understand world culture and human characteristics. The purpose of this study is to classify phrases with an el (hand) component and to identify their semantic features.*

***Keywords and expressions:*** *hand component, component, phrase, classification of phrases.*

Иборалар ҳар бир тилнинг муҳим ва ўзига хос бирликларидан бири экан, улар воситасида ўша халқ маданияти, ўзига хос хусусиятлари билан яқиндан танишиш мумкин. Иборалар таркибини таҳлил қилиш замонавий тилшуносликнинг муҳим тадқиқот объектларидан бири ҳисобланади. Шу билан бирга уларда иштирок этган лексемаларнинг семантик таҳлили ҳам илмий ишларда алоҳида ўрин тутади. Турк иборалар таркибида el (қўл) компонентларининг семантик майдонини тадқиқ қилиш орқали, иборалар таркибидаги лексемалар қаторини аниқлаш ва уларнинг маъновий ўзига хосликларини таҳлил қилиш мумкиндир.

Мазкур тадқиқотнинг объекти замонавий турк тилидаги el (қўл) компонентлари қатнашган иборалар бўлиб, ушбу турдаги мисоллар кетма-кет танлаш усули орқали Ў.А.Аксойнинг “Atasözleri ve deyimler” (2.Deyimler sözlüğü, Istanbul, 2016) луғатидан олинди [1].

[1] Aksoy Ö.A. Atasözleri ve Deyimler sözlüğü. – İstanbul: İnkilap kitabevi, 2016. –1205s.

Турк тилида “el” (“қўл”) компонентли иборалар қўлнинг қуйидаги қисмларини англатувчи сўзлар ёрдамида шаклланади: **kol – қўл, el– кафт, dirsek – тирсак, bilek – билак, avuç – ҳовуч, parmak – бармоқ, pençe – панжа.**

Шунга кўра, турк тилидаги “қўл” компонентли ибораларни қуйидаги гуруҳларга ажратиш мумкин:

1. **Kol–қўл** компонентли иборалар.
2. **El – кафт** компонентли иборалар.
3. **Dirsek – тирсак** компонентли иборалар.
4. **Bilek– билак** компонентли иборалар.
5. **Avuç – ҳовуч** компонентли иборалар.
6. **Parmak –бармоқ** компонентли иборалар.
7. **Tırnak – тирноқ** компонентли иборалар.

**Kol – қўл компонентли иборалар.** Турк тилининг иборалари луғатидан тўплаган материаллар таҳлилидан маълум бўлдики, kol компонентли иборалар миқдорига кўра иккинчи ўринда туради. Kol – қўл компонентли иборалар 28 тадир. Бунинг сабаби шундаки, кўп вазиятда “қўл” маъносида “кафт” маъносини берувчи el компоненти қўлланилган. Шунинг учун ҳам “қўл” компонентли иборалар орасида миқдор жиҳатдан энг катта гуруҳни el компонентли иборалар ташкил этади. Масалан: “Kara yağız oğlan yalandan gözlerinin yaşını pembe mintanının **kollarına** siliyordu.” - *Қорамағиз ўғлон ёлғондан кўзларининг ёшини пушти минтанининг енгларига артарди*[1].

“Қўл” компонентли ибораларнинг энг катта гуруҳларидан бирини el компоненти билан шакллантирилган иборалар ташкил этади. Бундай ибораларнинг жами миқдори 122 тадир. Турк тилида мазкур иборалар бир қанча маъноларни ифодалайди.

**“Kol”** –“қўл ” сўзи “insan vücudunda omuz başından parmak uçlarına kadar uzanan bölüm” – “инсон вужудида елкадан бошлаб бармоқ учларигача бўлган бўлим” маъносини англатади. Бундан ташқари, бу сўз “koyun, dana, kuzu vb.nde ön ayağın üst bölümü” – “қўй, бузоқ, қўзичоқ ва шунга ўхшашларнинг олд оёғининг устки қисми” маъносига эга. Шу билан бирга, ўрганилаётган компонент “giysinin **kolu** saran bölümü” – *“кийимнинг қўлни ўраб турган қисми” деган маънони англатади.*

Шунингдек, kol–қўл компонентли иборалар тадқиқи қуйидаги кўринишда бўлиши мумкин:

**“(Birine) kol kanat olmak (germek)”** – *“бировга қўл– қанот бўлмоқ”* ибораси “yardım etmek, korumak, himaye etmek” – “ёрдам қилмоқ, ҳимоя қилмоқ” маъноларини билдиради. Масалан: “Sade çocuğuna değil, eşine de **kol kanat gerer**, ona da analık eder.” – Фақат боласига эмас, эрига ҳам қўл–қанот бўлар, ҳам оналик қилар. Бу ибора ижобий маънони англатади.

**“(Birine) kollarını açmak”** – “(бировга) қўлларини очмоқ”. Бу ибора қатор маъноларни англатади: 1) иборанинг биринчи маъноси “içtenlikle karşılamak veya kucaklamaya hazırlanmak, sevgisini ve dostluğunu göstermek” – “самимийлик билан қаршиламоқ ёки қучоқламоқ учун ҳозирланмоқ, севгисини ва дўстлигини кўрсатмоқ”дир. Масалан: “O gün … bütün bir yıl dargın durduklarına **kollarını açarlardı**.” – Ўша куни... бутун бир йил ғамгин турганларга қучоқларини очардилар. 2) Ўрганилаётган иборанинг иккинчи маъноси “korumak, yardım etmek” – “ҳимоя қилмоқ, ёрдам бермоқ”дир.

**“Kol gezmek”** – “қўл кезмоқ” иборасининг уч маъноси борлиги эътироф этилган:1) бу иборанинг бош маъноси “güvenlik amacıyla dolaşmak” – “хавфсизлик мақсади билан айлан-

[1] Тадқиқот жараёнида мисоллар сўзма–сўз таржима қилинди.

моқ"дир: "Bunlar şehir subaşısının adamları, dizdarlardı. **Kol geziyorlardı**." – *Булар шаҳар офицерларининг одамлари эди. Хавфсизлик мақсадида айланиб юришарди.*

2) иборанинг иккинчи маъноси "dolaşmak" –"айланмоқ" деб таърифланади: "İnsanı üşütmeyen, ılık gezginci bir yağmur bulutu ağır ağır **kol geziyordu**." – *Инсонни совуқ қотирмаган, илиқ бир сайёр ёмғир булути оҳиста айланаётганди.*

3) **"kol gezmek"** – "қўл кезмоқ" ибораси кўчма маънода "kötü durum ve davranışlar çokça olmak" –" ёмон ҳолатлар ва ҳаракатларнинг кўп бўлиши" деган мазмунни ифода этади: "Bazı ülkelerde sansürün **kol gezdiği** görülüyor." – *Баъзи мамлакатларда цензуранинг кўп эканлиги кузатилади.*

**"Kolları sıvamak"** – "қўлларни ишқаламоқ" ибораси "bir iş yapmaya güçlü bir biçimde, istekle hazırlanmak" – "бир ишни қилишга кучли бир шаклда, истак билан тайёрланмоқ" маъносини билдиради: "Selami de **kolları** paçaları **sıvayıp** Ali Naci'nin yardımına koşmuştu." – *Селами ҳам қўлларини ишқалаб, енгини шимариб, Али Нажининг ёрдамига югурганди.*

**El – кафт компонентли иборалар.** Турк тилида el атамаси кўп маъноли сўз ҳисобланади. El сўзининг бош маъноси "kolun bilekten parmak uçlarına kadar olan, tutmaya ve iş yapmaya yarayan bölümüne verilen ad" – "қўлнинг билакдан бармоқ учларигача бўлган, тутишга ва иш қилишга ярайдиган бўлимига берилган ном"дир.

Шунингдек, **el** сўзининг "марта, даъфа, маротаба" маънолари ҳам бор:

"İki **el** silah sesi duyuldu." – *Икки марта ўқ овози эшитилди.*

**El** сўзи карта ўйинларида ўйин навбати маъносини беради: "Kış geceleri arkadaşlar arasında bir **el** poker çevirmek de keyiftir." – *Қиш кечалари дўстлар орасида бир қўл покер ўйнамоқ кайфдир.* Бу сўз баъзи нарсаларнинг ва ушлаш учун ишлатиладиган қисми маъносини беради. Масалан: "kapı **eli**" – "эшик тутқичи".

Турк тилидаги "қўл" компонентли ибораларнинг энг катта гуруҳларидан бирини el компоненти билан шакллантирилган иборалар ташкил этади. Бундай ибораларнинг жами миқдори 122 тадир.

**Dirsek – тирсак компонентли иборалар. Dirsek** сўзининг бош маъноси "kol ile önkolun birleştiği bölgedeki eklemin arka yanı" – "қўл билан қўлнинг пастки қисмининг бирлашган жойидаги бўғиннинг орқа томони" деб изоҳланган. Масалан: "Ceketin **dirsekleri** eskimiş." – *Жекетнинг тирсаклари эскибди.*

**"Dirsek"** – "тирсак" сўзи йўл ва шу каби нарсаларга нисбатан ҳам ишлатилиб, "бурчак" деган мазмунни билдиради: "Evleri, şu **dirseği** dönünce ilk evdir." – *Уйлари шу бурчакни айланган заҳотинг илк уйдир.*

**"Dirsek"**– *"тирсак"* сўзи "boruların doğrultusunu değiştirmekte kullanılan bağlantı parçası" – "трубаларнинг йўналишини ўзгартириш учун ишлатиладиган боғловчи парча" маъносини билдиради. Масалан: "Bu iki boruyu bir **dirsekle** birbirine bağlamalı."– *Шу икки трубани бир бурчак билан бир–бирига боғлаш керак.*

Турк тилидаги манбаларни ўрганишдан маълум бўлдики, **dirsek** – тирсак сўзи иштирокидаги иборалар бармоқ билан санарлидир. Бу гуруҳдаги иборалар салбий ёки нейтрал маънони билдиради. Қуйидаги икки ибора салбий мазмунни ифода этади:

1) **"Dirsek çevirmek"** – *"тирсак ўгирмоқ".* Бу ибора "kendisine gereksinme kalmayınca birini yüzüstü bırakmak ya da ondan yüz çevirmek" – "ўзига кераги бўлмай қолгач, бировни ташлаб кетмоқ ёки ундан юз ўгирмоқ" мазмунини билдиради.

2) **"Dirsek çürütmek"** – ибораси ўзбек тилига тўғридан–тўғри "тирсак чиритмоқ" деб таржима қилинади. Бу ибора "bilgisini artırmak için pek çok çalışmış, gayret göstermiş, emek vermiş olmak" – "билимини орттирмоқ учун жуда кўп ишлаган бўлмоқ, ғайрат кўрсатган бўлмоқ, меҳнат сарфлаган бўлмоқ" деган маънони билдиради. "**Dirsek çürütmek** ибораси

"okumak, öğrenim görmek için uzun yıllar çalışmak" – "ўқимоқ, таълим олмоқ учун узун йиллар ишламоқ" деган маънони англатади: "Desene boşuna **dirsek çürütmüşsün**." – *Бекордан–бекорга шунча вақт сарфладинг, десанг–чи.*

**Bilek – билак компонентли иборалар. "Bilek"** – *"билак"* сўзининг маънолари турк тилининг изоҳли луғатида қуйидагича изоҳланган. **Bilek** – билак сўзининг бош маъноси "el ile kolun, ayak ile bacağın birleştiği bölüm" – "кафт билан қўлнинг, оёқ билан панжанинг бирлашган бўлими" деб шарҳланган. Масалан: "Kadın, ağır takılarla yüklü sol **bileğini** yeşil abajurun altına doğru uzatmış." – *Аёл оғир тақинчоқлар тақилган чап билагини абажурнинг тагига тўғри узатибди.*

**"Bilek"** – "билак" сўзи кўчма маънода "yiğitlik dayanağı, güç" – "йигитликнинг таянчи, куч" деган маънони билдиради. Масалан: "**Bileğine** güvenen girer bu işe." – *Билагига ишонган бу ишга киришади.*

Турк тилида **bilek**– билак компонентли иборалар бор–йўғи 4 тадир. Бу ибораларнинг барчаси ижобий мазмунни касб этади. Уларнинг таҳлилига ўтамиз:

**"Bileğinde altın bileziği olmak"** – ибораси сўзма–сўз ўзбек тилига "билагида олтин билакузуги бўлмоқ" шаклида ўгирилади. Бу ибора "kazanç getiren bir zanaatı olmak" – "фойда келтирган бир усталиги, маҳорати бўлмоқ" деган мазмунни билдиради.

**"Bileğine güvenmek"** – ибораси ўзбек тилига сўзма–сўз "билагига ишонмоқ" деб таржима қилинади. Бу иборанинг маъноси "gücüne ya da hünerine güvenmek" – "кучига ёки ҳунарига ишонмоқ" бўлиб, ўзбек тилидаги "ўзига ишонмоқ" иборасининг муқобили бўлади.

1. **"Bileğinin hakkıyla"** – ибораси ўзбек тилига "билагининг ҳаққи билан" деб ўгирилади ва "kendi çalışması ve gücüyle" – "ўз иши ва кучи билан" деган маънони билдиради. Бу ибора ўзбек тилидаги "ўз меҳнати билан" иборасининг муқобилидир.

2. **"Bükemediğin eli (bileği) öpeceksin"** – ибораси "бука олмаган қўлни (билакни) ўпасан" шаклига эга. Бу ибора шундай таърифланади: "Insan gücünün yetmediği kendinden güçlü kişilere karşı saygılı davranmalı onun üstünlüğünü kabul etmelidir." – *Инсон кучи етмаган, ўзидан кучли бўлган кишиларга ҳурмат билан муносабатда бўлиши керак, унинг устунлигини қабул қилиши керак.*

***Avuç – ҳовуч компонентли иборалар.*** **"Avuç"** – "ҳовуч" сўзининг қуйидаги маънолари бор. **Avuç** – ҳовуч сўзининг бош маъноси "elin iç tarafı" – "qo'lining ich tarafi"dir. Масалан: "Balo ve kokteyl partisine bir davetiye alabilmek için keselerinin ağzını açmak kifayet etmezse, **avuçlarını** açarlar." – *Бал ва коктейл кечасига бир таклифнома ола билмоқ учун ҳамёнларининг оғзини очиш етмаса, ҳовучларини очишади.*

Бу сўз, шунингдек, "elin yarı yumulmuş durumu" – қўлнинг ярим юмилган вазияти" деган маънони англатади. Масалан: "Behire, **avucuna** topladığı zeytin çekirdeklerini yukarı, havaya fırlatıyor." – *Беҳире ҳовучига тўплаган зайтун уруғларини юқорига, ҳавога отяпти.*

Қўлнинг бу компоненти билан ясалган ибораларнинг бир қисми ижобий, бошқа қисми салбий мазмунни ифода этади. Масалан, қуйидаги иборалар ижобий маъноли:

**"Avucunun içi gibi bilmek"** – "ҳовучининг ичи каби билмоқ" ибораси "bir yeri, bir şeyi çok iyi ve ayrıntılı olarak bilmek" – "бир жойни, бир нарсани жуда яхши ва батафсил билмоқ" деган маънони билдиради ва ўзбек тилидаги "беш қўлдай билмоқ" иборасининг муқобили ҳисобланади. Масалан: "Sizin analarınızın, babalarınızın hayat idealini **avucumun içi gibi bilirim**." – *Сизнинг оналарингизнинг, оталарингизнинг ҳаёт идеалини беш қўлдай биламан.*

**"Avucu kaşınmak"** – "ҳовучи қичимоқ" ибораси ўзбек тилидаги "қўли қичимоқ" иборасининг муқобилидир. Яъни **avucu kaşınmak** ибораси ўзбек тилидаги каби пул келишига бир ишора деб қабул қилинади.

**"Avucunu yalamak"** – "ҳовучини яламоқ" ибораси салбий маънони англатиб қуйидагичадир: "bir kişi çok istediği bir şeyi başkasına kaptırması, çok istediği bir şeyi elde edememesi" – "бир киши жуда истаган бир нарсасини бошқа томонидан қўлга киритилгани, жуда истаган бир нарсани қўлга кирита олмаслиги". Масалан: "Yarın **avuç yalamamak** için bugünden çalışmalısın." – *Эртага ҳовучини яламаслик учун бугунда ҳаракат қилишинг керак.*

**Parmak – бармоқ компонентли иборалар. "Parmak"** – "бармоқ" сўзининг қуйидаги маънолари бор: "İnsanda ve bazı hayvanlarda ellerin ve ayakların son bölümünü oluşturan, boğumlu, oynak, uzunca organların her biri". – "Инсонлар ва баъзи ҳайвонларда қўлларини ва оёқларининг учларидаги бўлими шакллантирган, бўғимли, ўйноқ, узун аъзоларнинг ҳар бири". Масалан: "Uzun, sinirli **parmakları** locanın kenarında uzanmış, boksörün kulağını koparıyordu." – *Узун асабий бармоқлар ложанинг четига узанган, баксёрнинг қулоғини қўпораётган эди.*

Турк тили луғатларидан тўпланган материаллардан маълум бўлдики, **parmak** – бармоқ компоненти иштирокида 18 та ибора мавжуд. Бу ибораларнинг аксарият қисми салбий мазмунни ифода этади. Уларнинг баъзиларига тўхталамиз:

**"Parmağına dolamak"** – "бармоғига ўрамоқ" ибораси "bir konuyu, bir kimseyi ele alıp sürekli uğraşmak" – "бир мавзуни, бирор одамни олиб, давомли равишда ўша одам билан шуғулланмоқ" маъносини билдиради. Бу ибора ўзбек тилидаги "оғзидан қуймасдан гапирмоқ" деган маънони билдиради. Масалан: "Halil'in yüreğinin yandığını anlayınca onu **parmaklarına doladılar**, ateşini körüklemeye başladılar." – *Ҳалилнинг юраганининг ёнганини англаганида уни тинмай гапирдилар, оташига керосин сепа бошладилар.*

**"(Birini) parmağında oynatmak"** – "бировни бармоғида ўйнатмоқ" ибораси ўзбек тилидаги муқобили каби мазмунга эга, яъни "ona her zaman istediğini yaptırmak" – "унга ҳар доим айтганини қилдирмоқ" маъносини билдиради. Масалан: "Beni **parmağında oynatamayacaksın** alçak herif!" – *Мени бармоғингда ўйната олмайсан, пасткаш.*

**Tırnak – тирноқ компонентли иборалар. "Tırnak"** – "тирноқ" сўзи қуйидаги маъноларни англатади. Бу сўзнинг маъноси "insanda ve birçok omurgalı hayvanda parmak uçlarının dış bölümünü örten boynuzsu tabaka" - "инсонда ва бир қанча умуртқали ҳайвонда бармоқ учларининг ташқи томонларини ўраган қатлам" деб изоҳланган. Турк тилида **tırnak** – тирноқ компонентли иборалар сони 11тадир. Масалан: "Zarfın ucunu **tırnağımla** yırttım." – *Конвертнинг учини тирноғим билан йиртдим.*

"Қўл" компонентли ибораларниг лексик–семантик хусусиятларини ўрганишда, уларнинг инсонлараро муносабат, инсон ҳаракати тавсифи, инсон ҳолати тавсифи, инсон ҳис–туйғулари тавсифи, жамият ҳолати тавсифи каби маъноларни ифодалаши маълум бўлди.

Қайд этилган "қўл" компонентли ибораларнинг энг катта қисмини *el* компонентли иборалар ташкил этади. Иккинчи ўринда *kol* компонентли иборалар туради. Қўлнинг қолган қисмларини англатувчи компонентли иборалар 2 тадан то 18 тагача эканлиги аниқланди. El компонентли иборалар миқдорининг кўп бўлиши сабабини инсонлар иш жараёнида айнан қўлнинг шу қисми, билакдан пастки, кафт қисми билан бажариши билан изоҳлаш мумкин. Яъни инсон ҳаётида, иш жараёнида аксар ишларни қўлнинг кафт қисми билан адо этади, бу сўз билан боғлиқ ҳаракатли сўз бирикмалари кейинчалик кўчма маъно касб этиб, иборалар қаторига ўтган.